

ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Асрақулов А.

Фарғона давлат университети доценти, PhD

Йўлдошбоев Қ.

Фарғона давлат университети талаба

Аннотация. Тадқиқот ишида мамлакатимиз энергетика саноати тармоғи таркибидаги корхоналарда жорий активлар иқтисодий таҳлилида қўлланиладиган услубиётлар ўрганилиб, уларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: энергетика корхоналари, жорий активлар, таҳлил усуллари, жорий активлар таркиби, ликвидлиги, айланиши, рентабеллиги, коэффициентлар.

Аннотация. В исследовательской работе изучены методы, используемые при экономическом анализе оборотных средств на предприятиях энергетической промышленности страны, и вопросы их совершенствования.

Ключевые слова: энергетические предприятия, оборотные активы, методы анализа, состав оборотных активов, ликвидность, оборачиваемость, рентабельность, коэффициенты.

Abstract. In the research studied the methods used in the economic analysis of current assets at enterprises within the energy industry sector of our country and the issues of their improvement.

Key words: energy enterprises, current assets, methods of analysis, composition of current assets, liquidity, turnover, profitability, coefficients.

Кириш. Бугунги тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат кучайиб бораётган шароитида корхоналарни молиявий бошқариш, шу жумладан, жорий активларни бошқариш бўйича самарадорлик даражасини оширишга эҳтиёж борган сари ортиб бормоқда. Корхоналарни молиявий бошқаруви самарадорлиги кўп жиҳатдан улар томонидан жараёнларга киритилаётган молиявий ресурсларнинг манбалари ҳамда мавжуд ресурсларнинг корхона томонидан активларнинг таркибий қисмига оптимал жойлаштиришига боғлиқдир.

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги уларда мавжуд бўлган активларнинг ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, активлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳолатини иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш йўналишида бир қатор тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган. Албатта, тадқиқотимиз объекти бўлган жорий активлар ва уларнинг ликвид элементлари иқтисодий таҳлиliga тадқиқотимиз жараёнида асосий эътибор қаратилди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Муваффақиятли молиявий бошқарувга қаратилган замонавий хўжалик юритувчи субъектлар жорий активларни самарали ва оқилона бошқаришга алоҳида эътибор беришлари керак, чунки корхонанинг умумий иқтисодий самарадорлиги унга боғлиқ [1].

А.Д.Шеремет молиявий ва бошқарув таҳлилини ажратишни бухгалтерия тизимининг бўлиниши билан боғлайди, бошқарув ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш орқали молиявий таҳлилни чуқурлаштириш имкониятини таъкидлайди, бундай таҳлилни тадқиқот ва баҳолашнинг тўлиқ тури сифатида тавсифлайди. Молиявий ва бошқарув таҳлили ўртасидаги боғлиқликларни асослашда А.Д.Шеремет томонидан ички молиявий таҳлилнинг асосий қисми ички ишлаб чиқариш таҳлили билан кесишиши асосланади [2].

Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун коэффициентлар, қиёсий ва омилларни таҳлил қилиш усулларидан кенг фойдаланилади [3].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида энергетика саноати тармоғи корхоналарида жорий активлар самарадорлигини баҳолашнинг бир қатор усул ва услубиётларидан фойдаланилди. Тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлилнинг EVA (EBITDA) усули ҳамда жорий активларнинг комплекс таҳлили усуллари ўрганилди ва амалда қўлланилди.

Шу билан бирга, диалектика қонунларига риоя қилган ҳолда, жорий активлар фаолиятининг самарадорлиги корхонанинг ички ва ташқи молиявий-хўжалик фаолиятининг барча жиҳатлари билан белгиланади, деб тахмин қилишимиз мумкин. Ўз маблағлари ва жалб қилинган жорий активларни оқилона бошқариш шароитида корхона молиявий барқарорлик, ликвидлик ва рентабеллик нуктаи назаридан мувозанатли молиявий-иқтисодий вазиятни таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларга эга. Шу билан бирга, бошқарув ҳаракатларини илмий асосланган таҳлилий қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир, айнан иқтисодий таҳлил айланма маблағлар ҳаракатини тезлаштириш, моддий ва энергия сарфини камайтириш ҳамда корхонанинг иқтисодий фаолияти рентабеллигини ошириш бўйича етарли чораларни ўз вақтида ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ва натижалар. Қўшилган иқтисодий қиймат корхонанинг соф фойдасини ифодалаб, соф фойданинг корхона фаолиятига киритилган барча капитал миқдорида камайтириш кўринишида аниқланади. Умуман олганда, корхона нафақат принципиал жиҳатдан фойдали бўлиши, балки муқобил вариантлардан максимал фойда олиши керак, деб тахмин қилинади. EVAни ҳисоблашда нафақат қарз маблағларидан, балки капиталдан ҳам фойдаланганлик учун фойда миқдоридан киритилган инвестициялар миқдори айтириб ташланиши лозим.

EVA таҳлил бир қатор тахминларни назарда тутати:

- капитал биринчи навбатда узоқ муддатли активларни яратиш учун ишлатилади, жорий активлар унинг қолган қисми ҳисобига шаклланади;

- узоқ муддатли кредитлар тўлалигича узоқ муддатли активларни шакллантиришга сарфланади. Амалда, корхона узоқ муддатли кредитларни жалб қилиш орқали жорий активларга инвестицияларни молиялаштириши мумкин, аммо бу жуда кам ҳолатларда учрайди.

Шундай қилиб, EVA индикатори айланма маблағларни бошқариш натижасида олинган фойдани таҳлил қилиш методологиясининг мавжуд воситаларини нафақат нисбий қийматлардан (рентабеллик), балки мутлақ қийматлардан ҳам фойдаланган ҳолда тўлдиради.

Тадқиқот жараёнида Г.В.Савицкая [4] ва В.В.Ковалёвлар томонидан баён этилган универсал услубий ёндашувлардан келиб чиқиб, мавжуд методологияни унинг фаолият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг жорий активларини ҳар томонлама босқичма-босқич таҳлил қилишни жорий этиш билан тўлдиришни таклиф қилинади.

Юқорида кўриб ўтилган жорий активлар (айланма маблағлар)нинг ҳолати, таркиби, самарадорлиги ҳамда ликвид элементлардан фойдаланган ҳолда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш йўналишидаги концепциялардан фойдаланган ҳолда таҳлил объекти сифатида танлаб олинган “Ўзнефтвергаз” АК тизимидаги корхоналарнинг жорий активлари ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳоланди.

Корхона жорий активларини таҳлил қилиш корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда муҳим ўрин тутди, чунки унинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ ҳолда улар хизмат кўрсатиш функциясини бажарадилар, яъни айланма маблағларнинг айланиши жараёнида сотишдан олинган фойда шаклланади, бу кўп жиҳатдан корхонанинг муваффақиятли ишлашида маблағларни таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Корхоналарнинг жорий активлари элементлари қийматидан фойдаланган ҳолда уларнинг ликвидлик даражасини баҳолаш мумкин. Ликвидлилик даражасини баҳолашда ликвидлик коэффициентлари – жорий ликвидлик (current ratio) коэффициенти, тез ликвидлик (quick ratio) коэффициенти ва мутлақ ликвидлик (absolute ratio) коэффициентларидан фойдаланилади.

Жорий (умумий) ликвидлик коэффициенти (қоплаш коэффициенти) – жорий активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга (жорий мажбуриятлар) нисбатига тенг бўлган молиявий нисбат сифатида аниқланади.

Тез ликвидлик коэффициенти (баъзан оралик ёки шошилишч ликвидлик деб аталади) – бу юқори ликвидли жорий активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга (жорий мажбуриятлар) нисбатига тенг молиявий нисбат кўринишида аниқланади.

Мутлақ ликвидлик коэффициенти—бу пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга (жорий мажбуриятлар) нисбатига тенг бўлган молиявий коэффициент кўринишида аниқланади.

Ликвидлик коэффициентларини қуйидаги боғланишлардан фойдаланган

ҳолда аниқланади [4]:

1. Жорий (умумий) ликвидлик коэффиценти.

$$K_{jl} = \frac{A_m}{M_{qm}}$$

Бу ерда: K_{jl} – жорий (умумий) ликвидлик коэффиценти; A_m – айланма маблағлар (узоқ муддатли дебитор қарзлардан ташқари); M_{qm} – қисқа муддатли мажбуриятлар.

2. Тез (оралик) ликвидлик коэффиценти.

$$K_{tl} = \frac{D_{qm} + M_q + P_m}{M_j}$$

Бу ерда: K_{tl} – тез (оралик) ликвидлик коэффиценти; D_{qm} – қисқа муддатли дебитор қарзлар; M_q – қисқа муддатли молиявий қўйилмалар; P_m – пул маблағлари; M_j – жорий мажбуриятлар.

3. Мутлақ ликвидлик коэффиценти.

$$K_{ml} = \frac{P_m + M_q}{M_j}$$

Бу ерда: K_{ml} – мутлақ ликвидлик коэффиценти; M_q – қисқа муддатли молиявий қўйилмалар; P_m – пул маблағлари; M_j – жорий мажбуриятлар.

Юқоридаги боғланишлардан фойдаланган ҳолда “Ўзнефтгаз” АК таркибидаги корхоналари активларининг 2016-2022-йиллардаги ликвидлик даражасини баҳолаймиз (1-жадвал).

1-жадвал

“Ўзнефтгаз” АК тизимидаги корхоналари активларининг ликвидлик даражасидаги ўзгаришлар [5]

Йиллар	Жорий ликвидлик (меъёр 1,5–2,5)		Тез ликвидлик (меъёр >1)		Мутлақ ликвидлик (меъёр >0,2)	
	Коэффициент	Меърдан четланиш (+, -)	Коэффициент	Меърдан четланиш (+, -)	Коэффициент	Меърдан четланиш (+, -)
2016	12802,9	12800,4	1,9	0,9	0,1	-0,1
2017	33,5	31,0	8,1	7,1	0,7	0,5
2018	4,7	2,2	3,2	2,2	0,1	-0,1
2019	5,4	2,9	2,1	1,1	0,1	-0,1
2020	2,1	-0,4	1,3	0,3	0,3	0,1
2021	2,9	0,4	1,3	0,3	0,2	0,0
2022	2,4	-0,1	1,3	0,3	0,2	0,0

Кўриб ўтилганидек, тизим корхоналарининг узоқ муддатли активлари 2017-йилгача бўлган даврда жорий активларга нисбатан паст қийматга эга бўлиб, ушбу ҳолат корхоналарнинг 2016-йилдаги жорий ликвидлик коэффиценти жуда юқори (12802,9) бўлишига олиб келган. Бироқ кейинги йилларда корхоналарнинг жорий ликвидлик даражаси узоқ муддатли ва жорий

активлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши ҳисобига нормал даражага келган. Жадвалда жорий ликвидлик кўрсаткичининг меъёрдан четланиш даражасини меъёрнинг юқори чегарасида олинганлиги сабабли 2020 ва 2022-йилларда коэффициент меъёрдан бир оз пастлагандай кўринади. Аслида корхоналарнинг жорий ликвидлик коэффициенти кўрилатган йилларда меъёрнинг ўртача даражасидан юқорироқ бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда “Ўзнефтвергаз” АК тизими корхоналари жорий активлари ликвидлик даражаси таҳлил этилаётган вақт оралиғида жуда яхши ҳолатда бўлганлигини, фақатгина мутлақ ликвидлик даражасида айрим йилларда нисбатан муаммолар юзага келганлигини кўриш мумкин.

Назарий жиҳатдан кўрилган жорий активлар иқтисодий таҳлили концепцияларидаги таҳлилнинг яна бир йўналиши бу – жорий активларнинг айланувчанлик даражаси таҳлили ҳисобланади. Мавжуд ёндашувлардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида “Ўзнефтвергаз” АК тизими корхоналарида жорий активларнинг айланувчанлиги ҳолати ҳам ўрганиб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

“Ўзнефтвергаз” АК тизимидаги корхоналари жорий активларининг айланувчанлик ва рентабеллик даражасидаги ўзгаришлар [5]

Йиллар	Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти (марта)		Айланма маблағларнинг бир марта айланиш давомийлиги (кун)		Айланма маблағлар юкламаси коэффициенти (сўм)		Жорий активларнинг рентабеллик коэффициенти	
	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг ўзгариши (+, -)	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг ўзгариши (+, -)	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг ўзгариши (+, -)	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг ўзгариши (+, -)
2016	0,03	х	12976	х	36,05	х	0,002	Х
2017	0,11	0,08	3294	-9682	9,15	-26,90	0,005	0,003
2018	0,80	0,72	448	-2846	1,25	-7,90	0,055	0,050
2019	0,19	-0,61	1899	1451	5,27	4,03	0,014	-0,041
2020	0,30	0,11	1184	-715	3,29	-1,99	0,024	0,010
2021	2,46	2,16	146	-1038	0,41	-2,88	0,254	0,230
2022	2,21	-0,25	163	17	0,45	0,05	0,252	-0,002

Бизнингча, юқоридаги ёндашув корхоналарнинг пул оқимлари қолдиқларига нисбатан молиявий барқарорлик ҳолатини баҳолашда жуда қулай ва содда усул ҳисобланиб, жорий активлар таҳлилининг бошқа услубиётлари қаторида аудит жараёнида қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Тадқиқот жараёнида биз томонимиздан бугунги кунда корхоналар жорий активлари ликвид элементлари иқтисодий таҳлили борасидаги мавжуд бўлган концепциялар назарий ҳамда аниқ объект мисолида

таҳлил қилиниб, ушбу концепцияларни хусусий ҳолатларда алоҳида-алоҳида қўллаш мумкинлиги ҳамда жорий активларнинг комплекс таҳлилида кўриб ўтилган услубиётларнинг барчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги бўйича хулосага келинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Блажевич О.Г., Мрищук В.Д. Сущность оборотных активов и повышение эффективности их использования на предприятии // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. 2016. № 1. С. 27–35.
2. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. — М.: ИНФРА-М, 2011. — 98 с.
3. Дацко Е.П., Гнилицкая Л.В. Место аналитического обеспечения управления оборотными активами в общей системе управления предприятием // Актуальные вопросы современной науки. 2013. № 28. С. 224–232.
4. Савицкая Г.В. Проблемные аспекты исчисления показателей эффективности бизнеса // Журнал исследований по управлению. 2017. Т. 3. № 3. С. 1–28.
5. “Ўзнефтгаз” АК нинг мос йиллар бўйича молиявий ҳисоботлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.